


ИЛМИЙ АХБОРОТ



Гулноза АЛИМОВА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

РЕАЛ ВИРТУАЛЛИК ЭЛЕКТРОН КОММУНИКАЦИЯ НАТИЖАСИ СИФАТИДА

Мақолада янги ахборот технологияларининг социомаданий аҳамияти очиб берилган, электрон коммуникация натижасида вужудга келадиган “виртуал реаллик” ҳақида сўз юритилган. Хорижлик олимлар томонидан бу борада айтилган фикрларга таяниб, муаллиф айrim тушунчаларга изоҳ беради ва муайян хulosаларга келади.

В данной статье раскрывается социокультурное значение новых информационных технологий, а также идёт речь о «виртуальной реальности», которая возникает в результате электронной коммуникации. Опираясь на мнения иностранных учёных, высказавшихся по этому поводу, автор приводит толкования некоторых понятий.

In this article, sociocultural value of new information technologies reveals, and there is a speech about "virtual reality" as a result from electronic communication. Relying on opinions of the foreign scientists expressed about it interpretation of some concepts are given and the results are summed up.

Калит сўзлар: виртуал реаллик, электрон коммуникация, янги ахборот технологиялар, электрон воситалар, телекоммуникация.

Ключевые слова: виртуальная реальность, электронная коммуникация, новые информационные технологии, электронные средства, телекоммуникация.

Key words: virtual reality, electronic communication, new information technologies, electronic means, telecommunication.

Ахборот тарихи узок ўтмишга бориб тақалса-да, бугун уни интернет ихтиро қилингунгача бўлган ва ундан кейинги даврларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ёзув ихтиро қилингандан бошлаб маданий қимматга эга бўлган ахборот, аввало, китоблар орқали тарқатилган. Радио (1914 й.), телевидение (1945 й.) ва ниҳоят, Интернет жаҳон тармоғи медиамаданиятининг жорий этилиши билан одамларнинг биргаликдаги ҳаёти янги асосда қурила бошлади. Б. В. Марков таъкидлашича, биз постэпистолографик (ёзувдан кейинги) демак, постгуманистик (инсонпарварликдан кейинги) дунёда яшамоқдамиз. «Классик жамият билан қиёс қилганда, ундагидан фарқли ўлароқ, биз ўхшашликка аллақандай ёзувдан ташқари, адабиётдан ташқари, гуманитарликдан ташқари медиумлар воситасида эришмоқдамиз. Миллий синтез китоб ва ёзув асосида амалга оширилмаяпти. Эски гуманитар биродарлик ахлоқини инкор этувчи янги телекоммуникацион медиумлар ишга тушди... Глобал адабиёт ўрнига янги сиёсий ва иқтисодий тузилмалар келмоқдаки, улар восита бўлиш ўрнига ўзлари глобал мақсадларга айланди»(1, 372–373-б.).

Масс-медиа – биз яшаётган дунёning суратини шакллантираётган миф (эртак) яратувчи машинадир У реал дунёни фақат борлигича акс эттирмайди, балки бизнинг жамиятда мафкуравий жиҳатдан мумкин бўлган нарсаларнинг чегараларини белгилаб берувчи имиж, рамз ва мифлар тизимини яратади.

Электрон коммуникация бизнинг ҳаётимиизда нималарни ўзгартиради? Аввало, у ўзининг ўтмишдошлари – радио ва телевидение бошлаб берган иш йўналишларини нисбатан юқори технологик даражада давом эттирмоқда. Дастур, компьютер, электр импульслари ёрдамида яратилаётган виртуал реаллик – ўзига хос алоҳида кўринишдаги реалликдир. «Хозирги замон виртуал реаллик» ибораси билан боғланадиган маъно «виртуал» сўзининг дастлабки маъносидан анча йироқлашиб кетган (virtual – жангчининг руҳий қуввати). Интернет орқали шахс ўйғунлигининг янги шаклларини дунёга келтириш, шахсий тажриба, мулоқот доирасини, ўзини намоён этиш имкониятларини ошириш орқали янги ижтимоий бирликлар ва субмаданиятлар яратилмоқда. Натижада оммавий маданият ўзгармоқда, ихтисослашиб бормоқда, сегментлашмоқда, аммо унинг моҳияти ўзгармасдан қолаяпти. Янги уйғунликлар учун материал вазифасини авваламбор мегаполислар шароитида, урбанистик муҳитда шакланаётган янги субмаданиятлар ўтамоқда. Ва агар илгари ёшлар субмаданиятлари биринчи навбатда уларнинг турар жойи бўйича шаклланган бўлса (масалан, маҳалла футбол жамоалари), бугунги қунда улар конкрет географик макон билан боғланмаган ва ўзининг кўз илғамас иллари билан бутун сайёрани қамраб олган «ўргимчак тўри» воситасида яратилмоқда.

Дунё ижтимоий ҳаётида намоён бўлаётган янги тенденциялар қаторига Интернет истеъмолчиларининг вақт ҳақидаги тасаввурларининг ўзгаришини киритиш лозим. Бунга Мануэль Кастельс ўзининг «Ахборот асли: иқтисод, жамият ва маданият» номли трилогиясининг биринчи жилдидаги эътиборни қаратади. У кўп сонли ахборотни алоқанинг турли каналлари орқали бир пайтнинг ўзида узатилиши ва уларнинг вужудга келаётган гиперматнли оқимларда қоришка тарзида бирлашиши оқибатида вужудга келадиган вақтга оид тасаввурлардаги ўзгаришларнинг икки шаклини фарқлайди: бир томондан, бу ахборот маданиятидаги образларнинг узлуксиз хусусиятини ҳис этиш, иккинчи томондан эса, уларнинг мавжудлиги ўткинчи ва ҳаёлий эканлиги туйғуси. Бу, ўз навбатида, постмодернистик концепцияларга мос келадики, уларнинг асосида инсон ҳаётининг бош мақсадини белгилайдиган анъанавий маданий қадриятларга истехзоли муносабат ва бизнинг давримиздаги такрорланиб келадиган маданий ифодаларнинг мавзуси сифатида бевакътилик (вақтсизлик)ни дунёга келтирувчи эгилувчан (мослашувчан) капитализм ва тармоқ уюшмасининг динамикаси мантиғига мослик туради.

Бу ўринда М. Кастельс француз тузилмаистларининг ғояларига таянадики, улар маданият коммуникатив жараёнлардан вужудга келади, коммуникацияларнинг барча шакллари эса белгиларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга асосланади, деб ҳисоблашган. Дарҳақиқат, инсон яшаш тарзининг ўзига хослиги шундаки, одам ташқи дунё билан бевосита эмас, инстиктив равишда эмас, балки меҳнат қуроллари, имо-ишоралар тили ва товушлар тили каби бир қатор воситачилар ёрдамида муносабатга киришади. Шунинг учун аёнки, барча замонларда одамлар белги-аломатлар мухитини яратган. Ҳозирги замон янги электрон-коммуникацион белгилар тизимининг тарихий ўзига хослиги шундаки, у нафакат навбатдаги белгили реалликни рағбатлантириш қобилиятига эга, балки «виртуал реаллик» ни шакллантира олади, яъни видеотехника экранларида воқеликни шундай ишончли қилиб кўрсатадики, одамлар электрон имижни кундалик ҳаётда ўзларини ўраб турган оламдан кўра ҳақиқийроқ ва мухимроқ ҳисоблай бошлайдилар.

Инсоният тараққиётининг олдинги барча шакл ва босқичларидан фарқли ўлароқ, «виртуал реаллик маданияти» глобал миқёсда тарқалган ва ижтимоий ҳаётнинг ва умуман инсон борлигининг барча соҳа ва асосларига таъсир ўтказади. М. Кастельснинг тушунтириши бўйича, бу янги коммуникацион тизимнинг макон ва замонни – инсон ҳаётининг асосий ўлчоқларини – тубдан ўзгартираётгани билан боғлиқ.

Макондаги жойлашув ўзининг маданий, тарихий, географик белгиларини йўқотади ва конкрет маконнинг ёки жойлашувнинг ўрнини босадиган функционал тармоқларларга ёки узлуксиз маконга кирган имижлар қурамасига интеграциялашади. Вақт модулари (ўтмиш, ҳозирги замон, келажак) ўртасидаги фарқ ҳам янги коммуникатив тизимда йўқолади: улар программалаштириш ёрдамида бир – бири билан исталганча ҳолатда қўшилиши мумкин. Узлук макон ва вақтсиз замон муайян тажриба чегараларидан ўтадиган янги маданиятнинг моддий асосларига айланади ва авлоддан авлодга тарихий мерос бўлиб ўтиб келган намоён бўлиш тизимларининг бутун ранг – баранглигини ўзида мужассам этади. Бундай маданиятда реалликнинг образлари унинг динамик (ҳаракатчан, ўзгарувчан) имижлари билан алмаштирилади. Шунинг учун виртуал реалликдаги ҳақиқий билан ҳаёлий ўртасидаги чегара, агар ўчмаган бўлса, доимо ҳаракатчан бўлади, чунки компьютер техникаси ёрдамида ижодий фантазия ҳаётий воқеликни тинимсиз ўзгартириши, қайта ташкил этиши мумкин. М. Кастельс талқинидаги ахборотлашган жамиятнинг ўзига хослиги шундан иборатки, унда хатто шаҳарлар ҳам тармоқ тугунлари атрофидаги «ўзлуксиз макон» да «жараён» сифатида пайдо бўлади ва одамларни ишлаб чиқариш фаолиятининг умумий турлари воситасида эмас, коммуникацион техника воситалари ёрдамида бирлаштириб келади.

Янги ахборот технологияларининг социомаданий аҳамиятини аниқлаш билан боғлиқ футурологик тадқиқотлар соҳасидаги таниқли Ғарб мутахассисларидан бири бўлган Ж.Мартин телекоммуникациялар соҳасидаги илфор технологияларга асосланган телематик жамиятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ғояни илгари суриб, шундай ёзади: «Телекоммуникациялардан фойдаланиш... иқтисодий фаолиятнинг, бўш вақтнинг, таълимнинг, соғлиқни сақлаш тизимининг моделларини ўзгартиради. Оммавий коммуникация воситалари ва сиёсий жараёнлар фундаментал асосда такомиллаштирилиши мумкин. Телекоммуникациялар жамиятнинг бутун қиёфасини ўзгартириб юборади. Телекоммуникация воситалари жойдан жойга жисмоний кўчишнинг ўрнини босиши мумкин: одамлар улкан масофалар билан ажralган бўлишига қарамай, бир–бири билан бемалол мулоқот қилиши, худди шундай, машиналарни узоқдан туриб бошқаришлари мумкин бўлади... Бошқа соҳаларда ўсиш чегаралари қандай бўлишидан қатъий назар, телекоммуникациялар ва электрон технологиялар ривожи чегара билмайди. Ахборот истеъмоли, маданий ривожланиш ва инсон тафаккурининг ривожида чегара йўқ» (1, 372–373-б.).

Виртуал реалликнинг қўринишларидан бири – электрон воситалар ёрдамида шакллантирилган теле-виртуал реалликдир. У «эмпирик реаллик» ка-

изоморф эмас, чунки у реал дунёда содир бўлаётган жараёнларнинг талқинидан иборат. Аммо шу талқиннинг ўзи дунёнинг бир қисмига айланади: телеэкран, бизнинг ҳаётимизга кириб келиб, унга фаол таъсир ўтказа бошлайди. Бу таъсир доим ҳам ижобий бўлмайди. Тафаккурнинг стандартлашуви, жамиятни издан чиқарувчи ҳалокатли бузғунчи ахборотнинг тарқатилиши, кўнгилочди қўрсатувларнинг савиясизлиги – буларнинг барчаси бугунги қунда телевизор экранларидан ёғилиб келиб, ижтимоийлашув жараёнларига тегишли равишда таъсир ўтказади.

Р. Шредер, ахборот технологияларидағи ўзгаришларнинг ижтимоий оқибатларини таҳлил этиб, таълим ва кўнгилочди дастурлар истеъмолчиларнинг ўз виртуал оламларини ижодий яратиш учун етарли даражада имконият беришга мўлжалланмаганлиги ҳақидаги хulosага келади. Виртуал технологияларга «маданият ҳалоскорлари» статуси тўғри келмаслиги ҳақидаги фикрдан келиб чиқиб, у виртуал реалликни «табиатни ҳам, маданиятни ҳам ерга уришга ҳаракат қилиб, оламни тобора нореал «ғалати жой» га айлантираётган (3) академик постмодернизм билан қиёслайди.

Л. Бовоне, 1990-йилларнинг ўрталаридан кейин коммуникациялар тизимида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиб, билимларни осон ва доимий олиш имкониятини берадиган янги «медиа технологиялар» нинг барча афзалликларига қарамай, билимларнинг автоматик мўллиги кузатилмаётганини очиб беради. Глобал коммуникациянинг типик ҳодисаси сифатида модалар тизимининг шаклланишини ўрганиш жараёнида, шунингдек, Миландаги ёшлар модасини таҳлил этиб, Л. Бовоне замонавий мода ҳозирги замон маданий иқлимини ифодаловчи глобаллашув ва парчаланишнинг парадоксал уйғунлигини намойиш этиши ҳақидаги хulosага келади(1).

Биз, ўз ўрнимизда, хulosса қилишимиз мумкинки, ижтимоий онг ҳаракатининг чизиқли-тадрижийлик ва сабаб-оқибат алгоритмларига жавоб берган ёзувнинг кашф этилиши бугунги қунда оммавий коммуникациянинг электрон воситалари мос келадиган бошқа тафакур мантиғи билан тўқнаш келмоқда. Бундай тафаккур учун қуйидаги хусусият хос: замон ва маконда ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибатий алоқаларнинг йўқлиги, уларнинг қайд этиб бўлмайдиган «фрагментарлиги» ва кўз илғамайдиган «тақсимланиши»ни юзага келтирадиган фикрий жараённинг но-чизиқлилиги, но-тадрижийлиги. Турли хил технологик инновациялар инсониятнинг «ахборот аurasи»га жиддий таъсир ўтказади, аммо ўз ҳолиша улар инсоният қаршисида пайдо бўлаётган ижтимоий муммоларни ҳал қилмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мартин Дж. Телематическое общество. Вызов ближайшего будущего // Новая технократическая волна на Западе. – М., 1986.
2. Bovone L. Frammenti di comunicazione globale // Studi di sociologia. 1997. A.35, № 31.
3. Hillis K. [Recensio] // American journal of sociology. 1997. Vol.102, № 6. P.1795-1796. - Ree. ad op.: Schroeder R. Possible worlds: The social dynamic of virtual reality technology. Boulder/Colo/: Westview press, 1996.